Ушбу сонда:

2 ЖАМОА ШАРТНОМАСИ *унда ишловчилар манфаатига оид қайси жиҳатлар унутилмоқда*

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАМАНМИ?

4 ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 март, чоршанба №39 (1053)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилувчи катта-ю кичик умумхалқ байрами Наврўзни муносиб кутиб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда хилма-хил хайрия тадбирлари ўтказилиб, меҳнаткашлар оғирини енгил қилишга ҳаракат қилинаяпти. Қуйида ана шулардан баъзилари тўғрисида ҳикоя қилинади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Тахтакўпир туманидаги 9 та овул фуқаролар йиғинлари аҳолиси муносиб совға олди. Уларга «Марказий Осиёга беғараз ёрдам» ташкилоти томонидан келтирилган инсонпарварлик кўмаклари тарқатиб берилди. Жумладан, ўтган йили сув танқислигидан жиддий азият чеккан фуқароларга 1037 қоп ун, 1581 килограмм шакар, 3310 литр ўсимлик мойи тарқатилди.

Наврўз байрамолди хайрия тадбирининг юқори савияда ташкил этилишида туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаоллари жонбозлик кўрсатишди.

ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРГА СОВҒА

Умумхалқ байрами — Наврўз арафасида Тўрткўл шаҳридаги 5-сон махсус интернат тарбияланувчиларининг ҳам қувончи бир жаҳон бўлди. Чунки, уларга Халқаро ривожланиш ташкилоти томонидан келтирилган бир неча юз минг сўмлик кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, ўйинчоқлар тантанали топширилди.

Бундай инсонпарварлик тадбирлари Хўжайли, Чимбой ва Нукус шаҳарларидаги интернат ҳамда махсус болалар боғчаларида ҳам ташкил этилди.

БИЛИМЛАР КЎРИГИ

Чимбой шаҳридаги махсус ўрта билим юртлари талабалари ўртасида «Ассалом, Наврўз - 2001» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда коллеж, лицей ва билим юртида ўқувчи йигит-қизлар миллий қадриятларимиз, айниқса, баҳор байрами — Наврўз тўғрисидаги билимларини намойиш этдилар. Нуфузли ҳайъат аъзолари ғолибликни механика-иқтисодиёт лицейи вакилларига лозим топишди.

«БОҒЁН»ДА ТАНТАНА

Тўрткўл шаҳридаги «Боғён» маҳалласи аҳолиси Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб Наврўз тантаналарини бошлаб юборди. Маҳалла гузари байрам тусини олди. Эрталабданоқ бу ерга табаррук отахону онахонлар йиғилди. Сал фурсат ўтмасдан миллий таомлар билан безатилган дастурхон атрофини қиз-жувонларнинг, болаларнинг шодон кулгилари тутиб кетди. Энг қувончли дамлар — сумалак сайли бошланди. Дилрабо куй-қўшиқлар шўх рақсларга, йигит-қизлар ўртасидаги айтишувларга уланди. Бир пиёла чой баҳона давра суҳбатида туман ҳокими Турсунбой Тонгриберганов, туман имом-хатиби Жумабой ҳожи Матёқубов, уруш ва меҳнат фахрийси Норбой ота Матмуродов ва бошқалар маҳалладошларини баҳор байрами билан самимий табриклашди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.



Ҳашар — элга ярашар

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорини бухороликлар кўтаринки руҳда кутиб олдилар.

Ҳаммадан ҳам Бухоро шаҳрида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Ойликда шаҳардаги барча саноат корхоналари, ўқув муассасалари вакиллари, қурилиш, ободонлаштириш идораларининг ишчи-хизматчилари, меҳнат фахрийлари ва аҳолининг бошқа қатламлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ишнинг боришини «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳининг аъзолари назорат қилиб турибдилар. Шаҳар ичкариси ва унинг атрофида жойлашган боғ-роғларга шакл бериш, йўл ва йўлкаларни қайта таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, дам олиш масканлари, бозор ҳудудларини тартибга келтириш ишлари пешма-пеш амалга оширилаётир.

— Ҳукуматимиз қарори халқимиз дилидаги муддао бўлди. Кекса-ю ёш умумхалқ ҳашарига отилиб чиқди. Жамғармамиз жамоаси ҳам бу ҳаракатдан четда қолаётгани йўқ. Ойлик давомида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни ишлаб чиққанмиз. Ҳашар кунларида фаол иштирок этиш билан бирга байрам арафасида шаҳардаги меҳрибонлик ва қариялар уйларига, кам таъминланган оилаларга 250-300 минг сўмлик моддий ёрдам беришни мақсад қилиб қўйдик, - дейди вилоят «Нуроний» жамғармасининг раиси Ортиқ Вафоев.

Тайёргарлик ишларини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида шаҳар ҳокимлигининг 10-11 март кунлари умумхалқ ҳашарини ўтказиш юзасидан қабул қилган қарори ҳам диққатга сазовордир. Унда ўн минглаб бухороликлар фаол иштирок этишди.

Хуллас, ҳайрли тадбир шарофати ила шаҳар кўчалари, хиёбонлари, аҳоли истиқомат қилаётган масканлар кўркига-кўрк қўшилди. Демак, кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро янада кўркамлашиши турган гап.

Усмон НАВРЎЗ.

ИШ БЕРУВЧИ ВА ЁЛЛАНМА ХОДИМ ўртасидаги муаммолар ечими

Маълумки, ишлаб чиқариш муносабатларида иш берувчи ва ёлланма ишчи ўртасида юзага келадиган барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий воситаси ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланган жамоа шартномалари ва битимлар ҳисобланади.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тизимида ўтган йилда 28 та тармоқ битимлари ва 1728 та жамоа шартномалари тузилган эди. Уларнинг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгариши натижасида касаба уюшмаларига меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга кенг имкон яратди.

«Жиззахтелеком» ва «Жиззах почтаси» акциядорлик жамиятларининг бўлиб ўтган йиғилишида 2000 йил учун қабул қилинган битимларнинг бажарилиши, эришилган ютуқлар, шу билан бирга камчиликлар муҳокама қилинди.

«Жиззахтелеком» шўъбасида фаолият кўрсатаётган 695 нафар ходимга қулай иш шароитлари яратиш, ойлик маошларини вақтида тўлаб бориш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, маъмурият билан бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа битимининг асосини ташкил этади. Уч йил муддатга тузилган ушбу битим 81 банддан иборат бўлиб, ундан тўққиз банди касаба уюшмаси қўмитасига тегишлидир.

— Битимнинг шартларини бажара бориб, - дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Мамадалиева, - иш жойларини меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси меъёрлари талабларига мослаштириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Биз компьютерларда ишловчиларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида маъмуриятга ташаббус билан чиққан эдик.

Шундан сўнг аттестациядан ўтганларнинг маошини ўн фоизга ошириш тўғрисидаги банд битимга қўшимча тарзда киритилди.

Корхонада низоли ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Шу туфайли меҳнат интизоми мустаҳкамланди, иш унумдорлиги ўсди, пировардида олинадиган даромаднинг ошиши таъминланди.

398 нафар ходимга 4 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Янги оила қурганларга 200 минг сўмдан ортиқ, дафн маросимлари учун 530 минг сўм сарфланди. Бир юз етмиш нафардан ортиқ ишловчининг хонадонидаги телефон пули корхона ҳисобидан тўланди. «Жиззахтелеком» жамоасида таваллудига 40,50,60 йил тўлганлар ҳам маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг эътиборидан четда қолмайди. Ўтган йили шундай шодиёналарни нишонлаган 14 нафар ишчи-хизматчи 260 минг сўмлик мукофот пули олди.

«Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган битим 58 банддан иборат. Уларнинг бажарилиши мунтазам назоратда бўлганига қарамай, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қиш ва ёз ойларида ишлаш учун қулай шароитлар яратишдек муҳим вазифаларга етарли аҳамият берилмади. Санитария ҳолати ҳам талаб даражасида эмас. Меҳнатни муҳофазалаш ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинмаяпти. Шу каби нуқсонлар йиғилиш қатнашчиларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Хуллас, амалга оширилган ишлар, бажарилмаган бандлар сабаблари муҳокама қилингач, мажлис иштирокчилари бирлашган касаба уюшма қўмитаси олдига 2001 йилда янада фаолроқ бўлишни, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишни вазифа қилиб қўйдилар.

— Битим шартларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Турсунбой Ниёзов. - Биз «Жиззахтелеком» шўъбаси, «Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳамда алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси билан ўтган йил натижаларини атрофлича таҳлил қилдик. 2001 йилда келишувларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш чора-тадбирларини белгиладик.

Ш.ЁҚУБОВ.

МОВИЙ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ

Термиз яқинидаги Фаёзтепадан топилган ва инсониятнинг энг қадимий ноёб ёдгорликларидан бўлмиш Будда ибодатхонасини асл ҳолида сақлаш, таъмирлаш ва қўшимча иморатлар қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилгани жамоатчиликка маълум. Лойиҳада Фаёзтепани осмон остидаги очиқ музей ҳолида сақлаш кўзда тутилган.

ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкель Барри Лейн бошчилигидаги француз меъморларининг бу ерга ташрифи чоғида музей лойиҳаси, қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун Япония инвестициясини жалб этиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, Фаёзтепа ва Қоратепадан топилган археологик ёдгорликларни сақлаш ва сайёҳларга намойиш этиш учун алоҳида музей биноси, хизмат кўрсатиш нуқталари қуришга эътибор қаратилди.

(ЎзА).

«Ишонч» бонг уради

«Поклик иймондандир» дейилади муқаддас ҳадисларда. Покликни соғлиқ гарови деб билган халқимиз уни иймон даражасида қадрлаган. Азалий қадриятларимизга айланган бу тушунча атроф-муҳитни озода сақлаш, боғ-роғлар, гулзорлар барпо этиш, кўкаламзорлаштириш, арик-зовурларни тозалаш каби хайрли ишларни ўзида мужассамлаштирган.

БАҲОНАДАН БОҒ БАРПО БЎЛМАС

Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари, айниқса, баҳор келиши билан авж олади. Йиллар оша яшаб келаётган ҳашарлар, анъанавий тус олган оммавий шанбаликларда дов-дарахтларга агротехник ишлов берилади, янгидан-янги боғлар барпо этилади, чор-атроф кўкаламзорлаштирилади, ирригация иншоотлари таъмирланади, муассаса ва уй-жойлар атрофи ободонлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган асосий мақсад ҳам «Наврўз» умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, она диёримиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришдан иборатдир.

Нафсиламбрини айтганда, меҳнаткаш халқимиз ободонлаштириш ишларини эрта кўклам-даёқ қизғин бошлаб юборган. Бунга пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги маҳаллаларни кезиб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Баҳорги ишлар маҳаллалар ўртасида кўрик-танлов тарзида ташкиллаштирилиши натижасида туманда обод масканлар сони кўпайди. Туман ободонлаштириш бошқармаси ҳам умумхалқ ишидан четда қолмаслик ниятида корхона ва муассасалар, аҳоли турар-жойларини чиқиндилардан тўла тозалаш ҳамда 5500 тип кўчат ўтказишни режалаштирган.

Шунингдек, Паркент ва Я.Ғуломов кўчаларига 1500 дона кўчат, маҳаллалар ҳудудларига 650 та мевали дарахт, Янгиобод массивига 4500 дона терак, 500 та манзарали дарахт кўчатлари экилиши, 3 жойда гулзор барпо этилиши кўзда тутилган. Мавжуд 11 мингдан ортиқ дарахт оқланиши, 34,3 км ирригация тармоқлари тозаланиши ният қилинган.

Туманда бўлганимизда, қарорда кўзда тутилган баъзи бир ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Масалан, туман ҳудуди корхона, муассаса ва ташкилотларга бўлиб берилган. Айрим ерларда ишлар кўнгилдагидек экан. Х.Абдуллаев кўчасига мўлжалдаги ниҳоллар вақтида экилган.

Аммо, афсуски кўчадан кўчага ўтганимиз сайин ҳайратимиз орта борди. Алимкент кўчасиниг Мухтор Ашрафий кўчаси билан кесишган жойигача бўлган майдонларга ҳеч нима экилмаган. Дарахт экилса боғ, гул ўтказилса гулзор бўлиши мумкин бўлган ҳайҳотдек майдон уюм шох-шабба-ю чиқиндиларга тўлиб ётибди.

Ховос кўчаси 100/5 уй орқасидаги ахлат қутиларининг камлигидан ўнгу сўлни чиқинди босиб кетган. Сувбўйи кўчасидаги чиқиндилар охирги марта қачон олинганини кўпчилик эслай олмади. Валихонов кўчаси ҳамда «Антей» магазини атрофи ҳам бир ҳолатда.

Ошхоналардан чиқаётган оқава сувлар аҳоли соғлиғига зиён етказиши табиий. Ҳамза тумани мутасаддилари, «Махсустранс» корхонаси «Авиасозлар» бозорига олиб борадиган йўлларни эсларидан чиқаришган ё чиқиндилардан чиқаётган тутундан кўзлари ачишиб, унга яқинлаша олишмаяпти...

Шолохов кўчаси бўйлаб ўтказилган ариқлар, «Қорасув» канали, «Чкалов шоҳбекати» атрофи туманга бамисоли ўғай бўлиб қолган.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 3-бандида ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, уй-жой ширкатлари аъзолари иштирокида кўп қаватли уйларнинг ташқи кўринишни, уйларга кириш йўлаклари ҳамда бириктирилган майдонларни тартибга келтириши ва кўкаламзорлаштириши алоҳида таъкидланган.

Афсуслар бўлсинки, туманнинг Лисунов кўчасидаги 123 уй ва 58 уй йўлакларини таъмирлаш яқин ўртада амалга оширилмаса керак. Устига-устак, ойналарсиз деразалар, чироқсиз йўлаклар ҳуснбузардек кўзга ғалати кўринади. Аммо ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашма ходимлари бўёқ кўрмаган бу каби уйларга мутлақо эътиборсиз.

«Ободонлаштириш ва кўкамламзорлаштириш ойлиги» тугашига ҳам оз вақт қолди. Хўш, бир ойда удда қилинмаган ишни икки-уч кунда эплаб бўлармикан? Зеро, анча вақтдан буён давом этаётган ўзибўларчилик, бир ёқламалик шаҳримиз кўчалари, маҳаллаларидаги доғларни тугатиш имконини бермаяпти. Журналистларнинг бу фикрига мутасадди раҳбарлар нима дейишаркин?

Темир ҚУРБОН,
Довур ТУРОН,
«Ишонч» махсус мухбирлари.

Газета саҳифаланаётганда:

САФАРДА ИККИ ЎЙИН — ИККИ ҒАЛАБА

Футбол

Ўтган йили ўз тарихида илк бор мамлакат чемпионати медаллари билан тақдирланган «Насаф»нинг шашти бу футбол мавсумида ҳам баланд кўринади. Дастлабки турдаёқ Бекободнинг «Металлург» жамоасини 1:0 ҳисобида доғда қолдирган қаршиликлар Тошкентда ҳам бўш келмадилар. «Пахтакор» билан учрашув команда ўз мавқеини бериб қўймоқчи эмаслигини, аксинча, ўтган йилдагидан-да юқорироқ ўринлар учун астойдил кураш олиб боришга тайёр эканлигини тасдиқлади.

Ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган бутун ўйин мобайнида «Насаф» футболчиларининг бир-бирларини яхши тушунишлари, бунинг акси ўлароқ пахтакорчилар ҳали ўзаро киришиб кета олмаганлиги кўзга ташланиб турди. Учрашувнинг 17-дақиқасида Бахром Ҳайдаров томонидан киритилган тўп эса меҳмонларни янада руҳлантириб юборди. Гарчанд тошкентлик футболчилар ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, шу куни омад «Насаф» жамоасига кулиб боқди. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганида Зафар Холмуродов иккинчи тўпни мезбонлар дарвозасига йўллаб, ғалабани мустаҳкамлади.

Икки ўйин — икки ғалаба. Бу ютуқлар сафарда қўлга киритилганлиги билан янада қадрлидир.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Долзарб мавзу

Жамоа шартномалари қонун кучига эга. Бироқ, унинг бажарилиши ҳақида гап кетганда, бу борада ҳали бир қанча муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Муаммо ушбу меъёрий ҳужжатнинг фақат бажарилишида эмас, балки унинг қабул қилиниши жараёнига ҳам тааллуқлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим касабақўм ва касаба уюшма аъзолари ҳам жамоа шартномаларининг мазмун-моҳиятини тўла тушунмайдилар. Оқибатда мазкур шартномани қабул қилишдан асосий мақсад нима, у кимнинг манфаатига хизмат қилади каби саволларга аниқ жавоб ололмайсиз.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

унда ишловчилар манфаатига оид қайси жиҳатлар унутилмоқда

Ваҳоланки, жамоа шартномалари меҳнаткашлар манфаатларини қонун билан кафолатлаб берувчи меъёрий ҳужжатдир. Қарс икки қўлдан, деганларидек, агар меҳнаткашлар ўз манфаатларини чуқур англаб, мазкур ҳужжатни қабул қилишда унинг ҳар бир банди учун тортишиб, бажарилишини қатъий талаб қилмас эканлар, ижобий натижаларга эришиш мушкул. Зотан, демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларидан бири ҳам ана шунда.

Келинг, яхшиси республикамиз бўйича жамоа шартномаларининг бажарилишига оид баъзи мисолларни келтирсак. Ўтган йили тузилган, мазкур меъёрий ҳужжатлар орқали салкам 163 минг нафар аёлга йил мобайнида фарзандлари уч ёшга тўлгунга қадар корхона ёки ташкилотларнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1000 сўмдан 25000 сўмгача моддий ёрдам берилган, 3060 нафар ишловчи аёл ҳомиладорликнинг бешинчи ва олтинчи ойидан бошлаб ҳақ тўланадиган таътилга чиққан. Бундан ташқари, 263 минг нафарга яқин кўп болали аёлларнинг иш соати бир соатга қисқартирилди. Ногирон ва кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалар рўйхати тузилиб, уларнинг салкам 376 минг нафарига хўжаликлар ва касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

«Соғлом авлод йили» муносабати билан жамоа келишувлари ва шартномаларини тегишли тадбирлар билан бойитиб, уларни амалда қўллашда, айниқса, қурилиш, алоқа, темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоқ касаба уюшмаларининг, шунингдек, Андижон, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашларининг ишлари таҳсинга лойиқдир. Бироқ, айни пайтда, ёқилғи-энергетика, агросаноат мажмуи, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик тизимига қарашли кўплаб корхоналарда молиявий аҳвол барқарор бўлса-да аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар деярли яратилмаган. Худди шундай аҳволни «Жарқўрғоннефт», «Муборакнефтгазтранс» акциядорлик жамиятлари, Жарқўрғон, Ғиждувон пахта тозалаш заводлари, Тошкентдаги «Катрис» хусусий корхонаси ва бошқа бир қатор муассасаларда кузатиш мумкин.

Таълим ва фан, маданият, агросаноат мажмуи, савдо, давлат муассасалари, автотранспорт, енгил саноат, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида аёллар ва ёшлар манфаатларига бевосита алоқадор масалаларнинг шу пайтгача ўз ечимини топмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, ушбу масалалар муассасаларнинг мазкур ҳужжатларида акс эттирилиши Меҳнат кодексида кўрсатилиб ўтилган. Жумладан, аксарият корхоналарда ходимни бошқа ишга ўтказишнинг маълум муддати, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари белгиланмаган. Бундан ташқари, қонунчиликда назарда тутилганидан ўзга ҳолатлар, яъни ходимлар сони қисқартирилаётганда уларга бериладиган енгилликлар муаммолигича қолмоқда. Булар Қаршидаги «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятига ҳам тегишлидир. Қашқадарё стандартлаш, метрология ва сертификациялаш ҳудудий марказининг меъёрий ҳужжатларида ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун лозим бўлган асослар ўз аксини топмаган.

Жамоа шартномалари ўрганиб чиқилган деярли барча корхоналарда болани парваришлаш таътиллари даврини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ва унинг аниқ муддатини белгиловчи тартиблар ҳам жорий қилинмаган. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари борасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар ҳам белгиланмаганлиги афсусланарлидир.

Чирчиқ шаҳар маданият бўлими, Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи каби ташкилотларда жамоа шартномалари умуман тузилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?.. Тошкент вилоятидаги «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясида, Боровский номидаги Тошкент тиббиёт билим юртида жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича умумий мажлисда ҳисобот берилмаётгани ҳам аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоялашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Лекин, хулоса қилиб айтиш мумкинки, айрим касаба уюшма қўмита раислари ўз фаолиятларига оид тўлиқ билимларга эга эмаслар. Шунинг учун ҳам биринчи галда жойлардаги касабақўмларимиз ўз устиларида янаям кўпроқ ишлашлари, меҳнаткашлар манфаатларининг гарови бўлган жамоа шартномалари тўғрисида тушунтириш ишларини изчил олиб боришлари зарур.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

ТАДБИР АМАЛИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНДА

Техника хавфсизлиги

Нефт маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналаридаги иш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ёнувчан моддаларни қабул қилиш, сақлаш, жўнатиш, меҳнатни ташкил қилишга жиддий ёндошиш талаб қилинади. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига тўлиқ риоя этилиши шарт. Шундай экан, бу борада Самарқанд вилоят нефт маҳсулотлари билан таъминлаш бошқармаси тасарруфидаги корхоналарда қандай юмушлар амалга оширилмоқда? Мазкур саволга жавоб излаб, тармоқдаги бир неча корхоналарда бўлдик.

— Иш хусусиятига кўра корхонамизда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди «Мароқанд» нефт базаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ибодулла Нормуҳаммедов. — Бу борада доимий ўқувлар ташкил этилган. Барча бўлинмаларда кўргазмали воситалар ҳамда йўриқномалар мавжуд. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси муҳандиси Илҳом Аннаев бошчилигидаги гуруҳ (бунда касабақўм фаоллари ҳам қатнашади) ҳар куни иш жойларида хавфсизлик талаблари қандай бажарилаётганини назорат қилишади.

Жамоа шартномасига кўра, ҳар олти ойда ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилади. Улар сутқатиқ, махсус иш кийими билан узлуксиз таъминланади.

Ўтган йили 6 нафар ишчи санаторийларда дам олди. Ижтимоий ҳимоялаш, моддий кўмаклашиш тадбирларига кўра кузги, қишки мавсум учун ҳар бир ишчига 5 минг сўм пул, бир қоп ун ва гуруч берилади. Ҳафтасига бир ёки икки марта бозордагидан арзон нархда турли маҳсулотлар савдоси ташкил этилади.

Ўтган йили ишловчиларнинг 40 нафар фарзандига оромгоҳларга бепул йўлланма берилди. Ёш болали аёлларга қўшимча таътиллар жорий қилинди. Иш жойлари тўлиқ кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларга барҳам берилди.

Меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишлар, айниқса, Булунғур нефт корхонасида яхши ташкил қилинган. Ўтган йили мазкур масалалар ечимига қарийб 2,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир иш жойидаги аҳволни яхшилаш бўйича белгиланган ва бажарилган тадбирлар қайд этиб борилади. Бу эса ўз навбатида ишчиларнинг янги таклиф-истаклар билан чиқишига туртки бўлмоқда.

Ўтган йили маъмурият техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажарди. Ҳозирдаёқ махсус кийим ва парҳез озиқ-овқатлар учун 6 миллион сўм ўтказилди. Ишчилар дастлабки энг зарур ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, бошқарма тизимидаги барча корхоналарда ушбу масалалар биринчи даражали деб қаралмоқда. Чунки, ишнинг муваффақияти ходимларнинг соғлиғига, кайфиятига бевосита боғлиқ. Қолаверса, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифалари сирасига киради.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

АЁЛЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛИШДИ

Кейинги пайтларда «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Бухоро вилоят бўлими томонидан хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга ҳунар ўргатиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, бўлим саъй-ҳаракати билан йилига 180-200 та янги иш ўринлари яратилаётир. Юзлаб аёллар эса бўлим томонидан ажратилаётган мини кредитлардан баҳраманд бўлиб, тадбиркорлик ҳаракатини изчил йўлга қўйишга эришишмоқда.

Бултур Пешку, Ғиждувон туманларида ўқув марказлари ташкил этилиб, ўнлаб хотин-қизларга ҳунар ўргатилди. Жорий йилда Бухоро ҳамда Жондор туманларида ҳам ана шундай марказлар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, шу кунларда Осиё ривожланиш банки билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича семинарлар ташкил этилаётир. Махсус дастур асосида ўқув курсларини тугатган хотин-қизларга банкнинг махсус гувоҳномалари топширилмоқда.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Дунё неъматлари ичра нондек азизи йўқ. Шу сабабки, одамлар нон-нинг ушоғи ҳам нон, дея эъзозлашади.

Мана неча йилдирки Янгийўлдаги «Дар ас-Салом» нон ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг мазали, сифатли махсулотларини эл дастурхонига узатмоқда.

Корхона ишчиларининг асосини ёшлар ташкил қилади. Одина Дадаметова, Муниса Мамажонова, Феруза Муҳамедова каби ёшлар корхонанинг фахрига айланишган.

Суратда: ўз ишининг устаси Камола Тўлаганова.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

«Дўстлик» ширкат хўжалиги нафақат Термиз туманида, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган хўжаликлардан бири. Ширкат аъзоларининг яхши яшашлари учун ибратли тадбирлар ишга солинмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси эришилаётган ютуқларда асосий омил бўлмоқда.

ШИЙПОН ЁНИДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Ширкат хўжалигида 350 нафар ёлланма ишчилар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигидаёқ маош тарқатиб бўлинади. Мавсумий ишларда ишчилар хўжалик ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Илғорлар қимматбаҳо совғалар, қўй ҳамда пул мукофотлари билан сийланади. Меҳнатда ўрнак кўрсатганлар Тошкент шаҳри, Бухоро ва Хивага саёҳатга юборилади. Бунинг учун хўжалик раҳбарияти вилоят «Сурхон сайёҳ» жамоа корхонаси билан шартнома имзолаган.

Мавжуд 25 та дала шийпони аъзоларнинг иккинчи уйига айлантирилган. Улардаги маънавият ва маърифат хонаси бекаму кўст жиҳозланган. Кундалик матбуот нашрлари мунтазам келтирилади. Радио, телевизорлар қўйилган. Дала шийпонлари ёнида спорт майдончалари барпо этилган. Айни кунларда аҳоли истиқомат жойлари, далалар ва шийпонларда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ҳаракати авж олган. Бу ишларнинг ҳаммасида касабақўм бош-қош бўлмоқда.

Ширкат аъзоларининг тўй-ҳашамларида 3 кундан 7 кунга қадар иш ҳақи тўланадиган таътил берилаётир.

Нафақага чиқаётганларни катта тантана билан кузатиш анъанага айланган. Уларга хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тўн, гилам, пул мукофотлари топширилади, тантаналари ўтказиб берилади.

Хўжаликда 600 ўринли маданият саройи, истироҳат боғи, 10 та тегирмон, мойжувоз, маиший хизматнинг бошқа турлари намунали фаолият кўрсатяпти.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

НАМАНГАН ҚОҒОЗИ

Наманганда «Наманганқоғоз» қоғоз ишлаб чиқариш фабрикасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Янги корхона йилига 10 минг тоннагача юқори сифатли иш қоғози ишлаб чиқариш қувватига эга. Фаолиятнинг дастлабки босқичида хомашё сифатида ёғоч целлюлозасидан фойдаланилмоқда. Фабрика ушбу хомашёдан кунига 10 тоннагача қоғоз ишлаб чиқармоқда. Узлуксиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, тайёр маҳсулот миқдори икки баравар ошади.

Шунингдек, корхонани пахта линти билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Ушбу мақсадда ихтисослаштирилган цех қурилиши бошлаб юборилди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки пайтларданоқ ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш ишларига жиддий эътибор қаратила бошланди. Хусусан, 1991 йилда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлса, орадан тўрт йил ўтгач Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилишнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури тўғрисида»ги Қарори чиқди.

Ана шу асосда 1997 йили Ўзбекистонда ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-текшириш институти ва унинг шифохонаси негизида Республика Миллий реабилитация маркази фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли мазкур маркез қошида ички, асаб касалликлари, жарроҳлик ва тиббий-ижтимоий экспертиза каби тўртта клиник бўлим ногиронларнинг дардларини енгиллатиш, уларни қисман бўлса-да, меҳнат қучоғига қайтариш бўйича кенг қўламдаги ишларни амалга оширмоқда.

Биз миллий реабилитация марказининг жарроҳлик бўлими раҳбари тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Абдували АЪЗАМОВ билан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик. Шунингдек, дардларидан фориғ бўлаётган ногиронларнинг дил сўзларини ҳам қоғозга туширдик.

— Абдували Абдуғафурович, айтингчи, жарроҳлик бўлимида даволанувчилар соғлиғини тиклашда қандай замонавий шифо усулларидан фойдаланилмоқда?

— Бўлимимиз 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, у ногиронларнинг саломатлигини тиклаш, уларни меҳнатга ва ижтимоий ҳаётга қайтариш, бир сўз билан айтганда, кўнгли ўксик кишиларга ҳар томонлама тиббий-ижтимоий кўмаклашиш вазифаларини амалга оширади. Шу билан бирга йирик бўғимлар контрактуралари, найсимон суякларнинг нотўғри битиши ҳолларида жарроҳлик амалиётлари ҳам қўлланилади.

Бўлимда асосан тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари йўлланмаси билан келган ногиронларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида ошқозон жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар, йирик бўғимлар хасталиклари, остеохондроз, оёқ қон томирлари касалликлари, суяклар ва бўғимлар жароҳатлари даволанади.

Шуни айтиш керакки, ногиронларга замонавий тиббиёт асбоб-анжомларидан кенг фойдаланган ҳолда шифо берилмоқда. Жумладан, функционал диагностика бўлими компьютерлаштирилган диагностик тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Юқори малакали мутахассислар замонавий ташхислаш ва даволаш тиббий асбоб-ускуналари ёрдамида ногиронлар меҳнат қобилиятини тиклаш ва соғломлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

«Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» дейишади. Биз ҳам даволаш машқ залида хорижий мамлакатлардан келтирилган турли хил тренажёр анжомлари, механик уқаловчи ўриндиқлар, компьютерли тана тортиш аппаратлари орқали етакчи мутахассислар назоратида ўз саломатлигини тиклаётган ногиронларни суҳбатга тортдик.

— Бўйин умуртқаларининг остеохондрози ташхиси билан даволаняпман, - дейди Паркент туманидан келган II гуруҳ ногирони Рўзибу Мирзаева. — Дастлабки кунлари аҳволим анча оғир эди. Лекин фаол муолажалар натижасида қисқа муддат ичида саломатлигим яхшиланди. Энг муҳими, меҳнат фаолиятим ҳам қисман тикланди ва касб эгаллашга тавсия беришди. Муолажалардан хурсандман. Бўлимнинг қўли енгил шифокор ва ҳамширалари омон бўлишсин.

Барча хизмат турлари бепул

III гуруҳ ногирони Зебунисо Широва ҳам муолажалардан сўнг соғлиғи сезиларли даражада яхшиланганини қувонч билан баён этди:

— Бундан бир йил олдин ўт пуфаги ва кўричагимни операция қилдирганимдан сўнг ўзимни ёмон ҳис қила бошладим, — дейди у. Бу ерга келганимда баданим шишганди, юрагим санчар, қон босимим юқори эди. Қўлланилган турли-туман даволаш усуллари натижасида уйқум яхшиланди ва қон босимим меъёрлашди. Энг қувонарлиси, меҳнат қобилиятим тикланяпти. Айниқса, шифокор Илҳом Абдуллаев, ҳамшира Гулчеҳра Шодиеванинг касб маҳорати, ширин сўзи-ю меҳрибонлиги ҳам дардларимизнинг аришида муҳим омил бўляпти.

Беморларга тўғри ташхис қўйиб, самарали ва замонавий шифо усуллари билан даволашда албатта шифокорнинг малакаси ва тажрибаси қўл келади. Жарроҳлик бўлимида профессор Мирзабек Дўстмуродов, тиббиёт фанлари номзоди Людмила Адамова, Миржалол Саидов, Ирина Литкина каби олий тоифали шифокорлар, таж-

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, БМТ билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга масъул ихтисослашган муассасалар сафига қабул қилинди. Улар орасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) алоҳида ўрин тутади.

Касаба уюшмаларининг бевосита ташаббуси билан ташкил топган бу нуфузли ташкилот томонидан 80 йил давомида қабул қилинган халқаро меҳнат меъёрларига тааллуқли 182 та конвенция, 190 та тавсияларнинг аксарияти бугунги кунда дунёнинг 170 дан ошиқ мамлакатида меҳнат муносабатларида ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Қувончлиси шуки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг 11 та конвенцияси ратификация қилинди.

Ана шу конвенцияларнинг мазмун-моҳиятини газетхонлар кенг қатламига яқиндан таништириш, улар бўйича республикада яратилган ҳуқуқий негиз тўғрисида тушунча бериш мақсадида уларга оид маълумотларни «Ишонч» саҳифаларида бериб бораяпмиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

47-Конвенция

Ҳафта давомидаги иш вақтини қирқ соатга қисқартириш тўғрисидаги 1935 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенцияни ратификация қилаётган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси қуйидагиларни маъқуллашини эълон қилади:

● меҳнаткашлар турмуш даражасини пасайтирмаган ҳолда ҳафтасига қирқ соатлик иш тартиби принципини;

● ушбу мақсадга эришиш учун лозим деб топиладиган чоралар қабул қилиниши ёки чораларга кўмаклашишни;

ва бу принципни бандликнинг турли тоифаларига нисбатан қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Конвенция меъёрлари миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, жумладан, Меҳнат Кодексининг 115-моддаси ходим учун иш вақтининг нормал муддатини ҳафтасига қирқ соат билан чеклайди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари

52-Конвенция

Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 1936 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларда ишлаётган барча ходимларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур Конвенция қўлланиладиган ҳар бир шахс узлуксиз бир йил ишлаганидан сўнг камида олти иш кунига тенг бўлган муддатга ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар узлуксиз бир йил ишлагандан сўнг камида ўн икки иш кунига тенг бўлган муддатга ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга.

Йиллик ҳақ тўланадиган таътилга қуйидагилар киритилмайди:

● расмий ва анъанавий байрамлар;

● касаллик туфайли ишдаги танаффуслар.

Миллий қонун ёки қоидалар алоҳида вазиятларда йиллик ҳақ тўланадиган таътилнинг мазкур Конвенция билан белгиланган энг кам муддатидан ортиқ бўлган улушини қисмларга бўлишга рухсат бериши мумкин.

Мазкур Конвенцияга биноан таътилга чиқаётган ҳар бир шахс таътилнинг тўла даври учун қуйидагиларни олади:

● миллий қонунлар ёки қоидалар асосида ҳисоблаб чиқилган ўзининг одатдаги ҳақини;

● ёки жамоа келишуви билан белгиланган ҳақни.

Йиллик ҳақ тўланадиган таътилларни олиш ҳуқуқини бекор қиладиган ёки бундай таътил олиш ҳуқуқини бермайдиган барча келишувлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Миллий қонун ёки қоидалар ўзининг йиллик таътил давомида ҳақ тўланадиган ишда банд бўлган шахс таътил даври учун ҳақ олишдан маҳрум этилиши мумкинлигини назарда тутиш мумкин.

Тадбиркорларга боғлиқ бўлган сабабга кўра ишдан бўшатилган шахс, агар у ўзига тегишли таътилдан фойдаланмаган бўлса, мазкур Конвенцияга биноан унга тегишли бўлган таътилнинг ҳар бир куни учун ҳақ олади.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлаётган барча фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар берилишини тартибга солувчи, мазкур Конвенцияга нисбатан имтиёзлироқ, шарт-шароитлар яратилган. Чунончи, Меҳнат Кодексининг 134-моддасига биноан ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ўттиз календар кундан иборат йиллик асосий узайтирилган таътил олиш ҳуқуқига эга (135-модда).

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим (146-модда).

Йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади (148-модда). Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори, 6-илова).

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади (151-модда).

Аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай мулоқотлар Қашқадарё вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари томонидан мунтазам равишда олиб бориляпти.

Суратда: Давлат Ёнғин Назорати муҳандиси, ички хизмат лейтенанти Шокарим Хушназаров (чапдан), Қарши шаҳар ИИБ ДЁН катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти Маъруф Алиев, «Вилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси техника хавфсизлиги муҳандиси Элмурод Зикриллаевлар Қарши шаҳар маҳаллаларида газдан фойдаланиш қоидалари хусусида суҳбатлашмоқдалар.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

НАФС БАЛОСИ

Текин даромад кетидан қувиш, пул васвасаси одамларни не кўйларга солмайди, дейсиз. Нишон туманидаги «Азиза» хусусий савдо дўконида бўлган солиқ инспекцияси ходимлари ёрлиқлар қўйилмаган маҳсулотлар борлигини аниқлагач:

— Ана шу маҳсулотнинг ҳужжатини кўрсатсангиз, — дейишди томат ҳамда консервага ишора қилиб.

— Бу ўзи иккитагина, бошқа йўқ, — деди сотувчи.

— Биз сиздан уларнинг сонини эмас, ҳужжатини сўраяпмиз, — дейишди солиқчилар.

Дўкон кўздан кечирилганда 271 минг сўмлик киримсиз маҳсулотлар борлиги маълум бўлди.

Солиқчилар Қарши туманидаги «Қарши» савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-дўконга киришганда харидор А.Расуловнинг фиғони фалакка етиб турганини хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Нохушликнинг сабаби аён бўлди... Унинг хуноби ошганича бор экан. Дўкон мудири Ҳ.Тошпўлатов 3 шиша ароқ, 4 шиша шароб олган харидордан 2703 сўм ўрнига 3010 сўм, яъни 307 сўм уриб қолибди. Хуллас, пул эгасига қайтарилди. Сотувчи эса қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАМАНМИ?

Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош меҳнат ҳуқуқи нозири Муҳаммаджон АБДУЛЛАЕВ жавоб беради

САВОЛ: «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси», «Меҳнат фахрийси» нишонлари, «Шуҳрат» медали билан тақдирланганман. Пенсияга чиқишда ушбу унвонлар учун қонунчилигимизда қандай имтиёзлар назарда тутилган?

С.КЎЧҚОРОВ, Иштихон тумани.

ЖАВОБ: Пенсияга чиқилаётганда юқорида кўрсатиб ўтилган нишон ва медаллар учун ҳеч қандай имтиёз белгиланмаган. «Шуҳрат» медали тўғрисидаги Низомга мувофиқ мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

САВОЛ: 1. Алоқа тармоғида 37 йиллик иш стажига эгаман, 1997 йилда пенсияга чиқдим. Ушбу тизимда кўп йиллар ишлаган ходимларга телефон ҳақлари 100 фоиз миқдорида корхона ҳисобидан қопланар эди. Мен ҳам ушбу имтиёздан фойдалана оламанми?

2. «Меҳнат фахрийси» нишони билан тақдирланган пенсионер соғлиғи ёмонлашганда даволаниш учун қандай имтиёзларга эга?

М.МАХСУМОВ, Жиззах тумани.

ЖАВОБ: 1. Электр алоқаси корхоналарида узлуксиз ишлаётган барча ходимлар, шунингдек, шу ердан пенсияга чиққан кишиларга корхона маблағи ҳисобидан жамоа шартномаси ва битимларга қуйидагиларни тўлаш киритилган:

а) 10 йилдан 15 йилгача ишлаганлар хонадондаги телефон учун абонентлик ҳақининг 50 фоизини;

б) камида 15 йил ишлаганлар телефон ва радио нуқтаси учун абонентлик ҳақининг 100 фоизини.

Жамоа шартномасида назарда тутилмаганлиги сабабли «Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти ходимлари бу имтиёздан фойдаланолмайдилар. Аммо Сиз жамоа шартномасидаги бошқа банддан, яъни шу корхонада ишлаб пенсияга чиққан, ёлғиз, ишламайдиган фуқароларга ҳар йили республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 4 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам олиш имтиёзидан фойдаланишингиз мумкин.

Агар жамоа шартномасида алоқа соҳасида кўп йил ишлаган ходимларга корхона маблағи ҳисобидан телефон учун абонентлик ҳақининг 100 фоизи миқдорида қоплаш имтиёзи назарда тутилган бўлса, демак, Сиз ҳам бундай имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Масалан, «Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти жамоа аъзолари бундай енгилликдан баҳраманд бўлишмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Меҳнат кодексининг 37-моддасига мувофиқ жамоа шартномасига корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзга шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартиб ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда кўпроқ имтиёз берадиган меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

2. «Меҳнат фахрийси» нишони билан тақдирланган нафақахўрларга, шу жумладан, Сиз ҳам ўзингиз ишлаб кетган корхона маблағлари ҳисобидан агар жамоа шартномасида даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар бериш назарда тутилган бўлса, фойдаланишингиз мумкин.

Жиноят ва жазо

«ШАЙТОН ЙЎЛДАН ОЗДИРДИ»

Раҳимжон Алиев муқаддам содир этган жинояти учун республика мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2-қисмига асосан жазодан озод қилинган эди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Орадан сал фурсат ўтмай, энди у аввалгидек ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида эмас, 3-қисми «б» бандида кўзда тутилган жиноятни содир этганлиги учун суднинг қора курсисига ўтирди.

Ўтган йилнинг 30 сентябридан 1 октябрига ўтар кечаси шайтон яна йўлдан оздирди. Ўша куни у соат 2 лар чамасида амакиси Комил Ярашевнинг ҳовлисига яширинча кириб, меҳмонхонасидан нархи 70 минг сўмлик, Японияда ишлаб чиқарилган «Хитачи» русумли видеомагнитофонни ўғирлади ва уни Бўстон қўрғонида яшовчи Анвар Равшановга 30 минг сўмга пуллади.

Видеомагнитофон ҳақиқий эгасига қайтарилди. Лекин Қизилтепа туман суди бу сафар текин томоққа ўрганган Раҳимжон Алиевни сийлаб ўтирмади. Тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб, 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм эълон қилди. «Тинмасанг тинарсан» деганлари шудир-да!

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Эл-юрт осойишталигини ўзларининг бурчи деб билган ички ишлар ходимлари кеча-ю кундуз тиним билмайдилар. Уларнинг бирламчи шиори, бир дам бўлса-да ҳушёрликни қўлдан бермаслик.

Сариосиё тумани ИИБга қарашли «Тўпаланг» ДАН маскани ходимлари ҳам ўзларининг бурчларини аъло даражада бажариб келмоқдалар.

Суратда: (чапда) вилоят ДАН бўлинмаси бошлиғи ўринбосари, милиция майори Музаффар Ҳасанов, Сариосиё ДАН бошлиғи, катта лейтенант Муҳиддин Тоғаймуродов бир гуруҳ ҳамкасблари билан.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИДА

рибали ҳамширалардан Мавлуда Файзуллаева, Гулчеҳра Шодиевалар ўз билим, тажриба ва маҳоратлари билан ногиронлар дардига малҳам бўлишмоқда.

Бўлимнинг иш фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, ҳар йили 600 нафарга яқин ногирон ушбу тиббиёт масканида ўз соғлиғини тиклаши, жумладан, ўтган йилда шулардан қарийб 30-35 фоизининг меҳнат қобилиятлари тикланиб, ўз қадрдон жамоаларига қайтганлигини билиб олдик. Шу ўринда бундай самаралар ортида нима турибди, деган саволнинг туғилиши ҳам табиий.

Гап шундаки, Миллий реабилитация маркази ва унинг бўлимларида даволаш учун тегишли дори-дармонлар ва озиқ-овқатлар вазирлик томонидан ўз вақтида таъминланмоқда. Ногиронлар учун барча хизмат турлари бепул, тегишли шарт-шароитлар яратилган.

Бундан ташқари, беморлар соғлиғини тиклашда илмий йўналишдаги ишларни амалга оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Марказ илмий ходимлари илмий ишларининг натижа ва ишланмалари Тошкент шаҳри ва вилоятлар тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари ва реабилитация марказлари амалиётига татбиқ этилмоқда.

Шунингдек, жарроҳлик бўлими илмий ходимлари яқинда Санкт-Петербург ва Москвада ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтдилар. Энг муҳими, реабилитация марказларини ташкиллаштириш ва улар фаолиятини тўғри йўналтиришда республикамизда муайян ютуқларга эришилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

АҚШ–ИРОҚ: НИФОҚ ҲАЛИ ТУГАМАЙДИ

Араб давлатлари Форс кўрфазида ҳануз АҚШ ҳарбийлари жойлашиб турганидан норозилик билдирмоқда. Ироққа қарши ҳаво ҳужумлари тез-тез такрорланаётгани Ғарб ва араб дунёси ўртасидаги зиддиятни кўчайтираяпти.

Ўн йилдирки, Ироқ иқтисодий қамал ҳолатида. БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан жорий этилган жазо мамлакатнинг силласини қуритди. Жазони бекор қилиш тўғрисидаги талабларнинг ҳеч қайсиси инобатга олингани йўқ. Араб давлатлари ироқликларга жилла қурса озиқ-овқат бериш билан ўз кўмакдошлигини кўрсатиб турибди.

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари эса Ироқ ерларини ўққа тутишда давом этмоқда. Расмий Бағдод мамлакат шимолидаги «парвоз учун тақиқланган ҳудуд»ни тан олмаган эса-да, ҳаво ҳужумлари айнан шу туфайли, Ироқ ушбу ҳудудда белгиланган қонун-қоидага амал қилмаяпти, деган важ билан уюштирилаётир. Токи, Саддам Ҳусайн оммавий қирғин қуролларини йўқотишга киришмас экан, Ироқ халқи бошдан кечираётган азоблар қачон интиҳо топиши даргумон. АҚШ ҳукумати ўз аҳдида қатъий эканини бот-бот таъкидлаб келаётир. Айниқса, Оқ уй раҳбари ўзгарганидан сўнг мазкур масала бўйича ҳукуматнинг нуқтаи назари янаям қатъий тус олди. Феврал ойининг ўрталарида Ироқ ерлари яна ўққа тутилди. Бу воқеа халқаро майдонда кескин акс-садо берди. Нафақат араб дунёси, балки бошқа кўпгина мамлакатлар ҳам норозилик эълон қилди.

Яқинда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Миср, Саудия Арабистони ва Кувайтда бўлди. У ўтказган учрашувларда асосан Ироқ муаммоси муҳокама этилди. Форс кўрфази АҚШ учун муҳим стратегик минтақа экани ҳисобга олинса, мазкур ташрифдан кўзланган мақсад бироз ойдинлашади. Форс кўрфази дунёда нефт ва газга энг бой ҳудуд экани сир эмас. Дунё нефт заҳирасининг 76, табиий газ заҳирасининг 31 фоизи ҳамда АҚШдаги нефт импортининг 60 фоизи ушбу минтақага тўғри келади. Япония 65, Ғарбий Европа давлатлари эса 52 фоиз нефтни шу ердан олиб кетади.

АҚШнинг минтақага ҳарбий аралашуви 1990 йилда, Ироқ Кувайтга ҳужум қилганидан сўнг бошланганди. Бу АҚШга ёпиқ эшикларни ланг очиб берди гўё. Минтақага БМТ байроғи остида АҚШ кўшинлари кириб келди ва улар ҳамон, «кўрфаздаги иттифоқдош мамлакатлар хавфсизлигини сақлаш», уларни «Ироқ таҳдидидан ҳимоя қилиш» шиори остида сақланиб келинаётир. Халқаро жазо ҳам маҳкам ушлаб турилибди.

Аммо, Ироқ ҳам анойи эмас. У бу «ўйин»да асло енгиладиганга ўхшамайди. Расмий Бағдод ҳар қандай йўл билан араб давлатлари билан муносабатларни яхшилаб, ришталарни мустаҳкамлаш, кези келганда, бой нефт заҳиралари ҳисобига айрим Ғарб мамлакатларининг кўнглига йўл топишга интилиб келаётир. Ироққа қарши жазони бекор қилиш масаласида ғарбликларнинг фикри бир жойдан чиқмай қолаётганига сабаб ҳам шу. Айтиш мумкинки, АҚШнинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсатини қўллаб-қувватловчилар камайиб бормоқда. Масалан, унинг иттифоқдоши ҳисобланмиш Саудия Арабистони ҳам бу масалада ўзини четга ола бошлади.

Араб давлатлари раҳбарлари ўтган йил охирида йиғилишиб, Форс кўрфази хавфсизлиги учун фақат минтақа мамлакатларининг ўзи масъулдир, деган фикрни илгари сурганди. Бу АҚШ номига теккизиб айтилган даъво экани кўриниб турибди. Шунга қарамай, Колин Пауэлл ўз сафари давомида араб давлатларини, Ироқ БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюциясида кўрсатилган талабларини бажармагунча АҚШ ўз сиёсатини ўзгартирмаслигига ишонтиришга уриниб кўрди. Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусо музокара пайти Ироққа қарши ҳаво ҳужумларини кескин қоралаб, бу мамлакат, АҚШ уқтираётгандек, минтақага ҳеч қандай таҳдид туғдирмайди, деган фикрни айтди. Ҳатто, унинг айтишича, араб давлатлари шу ойда бўладиган саммитда АҚШга қарши кескин норозилик билдириш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

Олам қолди бехос
қорга суялиб,
Яширдилар юзни
ўрик гуллари.
Баҳор эмас — у қиз,
турар уялиб,
Учрашувга эрта
келган сингари.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) ВА И.ҲАСАНОВ олган суратлар



Таассуф

МУНИСАНИ НИМА ЎЙЛАНТИРАЯПТИ?

Ғафур Ғулом номли ширкат хўжалиги нафақат Усмон Юсупов туманида, балки Қашқадарё вилоятида ҳам иқтисодий бақувват хўжаликлардан. Икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган «Авазчўл»даги замонавий уй-жойлар, равон йўллар қишлоқ кўркига кўрк бериб турибди. Аҳоли табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Савдо тармоқлари, маиший хизмат шохобчалари халқ хизматида. Меҳнаткашларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, қишлоқдаги Абдулла Набиев номли мактаб жамоаси хўжалик раҳбариятидан мамнун.

— Мактабимизда чорвадорларнинг 400 нафарга яқин ўғил-қизи таълим олади, - дейди директор Тўғон Ғайбуллаев. - Ўқув йили бошида 55 минг сўмлик дарслик олиниб, уни кам таъминланган оила фарзандларига бердик. Бундан ташқари, қарийб 1 миллион сўм сарфланиб мактаб газлаштирилди.

Мактабда 7 та фан тўгараги мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Ўзлаштириш ҳам шунга яраша. Хусусан, XI синф ўқувчиси Муниса Ҳайитова барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Муҳтарам Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан ўқиб-ўргандик, - дейди Муниса. - Биз ёшларнинг пухта билим олишимиз учун барча эшиклар очиқ. Лекин, ўрни келганда бир муаммо нафақат мени, балки барча ўқувчиларни чуқур ўйлантириб қўймоқда. Мутахассис ўқитувчи бўлмаганлигидан чет тили ўқитилмаяпти. Чет тили фанидан сабоқ бераётган мутахассис ўқитувчилар келиб иш бошласа, хўжалик ҳамда мактаб маъмурияти қараб турмасди, уй-жой шароитлари ҳамда қўшимча имтиёзлар яратиб бериларди, албатта. Ахир, мамлакатимиздаги барча яхши нарсалар аввало биз, ёшлар учун сафарбар этилган-ку!

Дарҳақиқат, мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилса-ю, болалар чет тилини билмаса, қандай қилиб, тест синовларидан ўтишлари мумкин. Ўйлаймизки, чорвадор фарзандларининг ҳақли талаблари Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилиб, тез кунда амалий ёрдам берилади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

«Олимпиада умидлари-2001»

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур». Музрабод туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 51 та умумтаълим мактаби ўқувчилари худди шу шиор остида кейинги босқич ғолиблиги учун енгил атлетика, баскетбол, волейбол, шахмат, стол тенниси, кўл тўпи, футбол турлари бўйича беллашмоқдалар.

— Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Олимпиада умидлари-2001» мусобақалари қизғин ва муросасиз курашларга бой бўлмоқда, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Д.Қодиров. - Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, спорт қўмитаси каби 9 та ташкилот ва муассаса ҳомийлик қилаётганлиги беллашувларнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаётир.

Дарҳақиқат, беллашувлар аъло даражада ташкил этилган. Ётоқхона, дам олиш ва ювиниш хоналари ёш спортчилар хизматида. Шунингдек, иштирокчилар иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Мусобақаларни бошқариш учун эса энг моҳир жисмоний тарбия ўқитувчилари жалб этилган.

Айтиш керакки, мусобақаларда 7-, 13-, 17-, 28-, 33-, 41-, 51-мактаблар вакиллари айниқса фаол иштирок этмоқдалар. Азиз Турдиқулов, Шароф Бойғўчиев, Шерали Каримов, Акмал Воҳидов, Маҳбуба Шаймардонова, Улдона Каримова, Маҳбуба Ҳамдамова каби ўқувчиларнинг иштироки барчада катта таассурот қолдирмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Янги ҳужжатли филмлар

МАВЗУ ВА ТАЛҚИН

киностудиянинг кўрик залидаги ўйлар

Бадиий асарда қаҳрамон тутган ўрин ҳақида гап кетганда мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг Қайсини, Фарҳодини эслайман. Уларнинг бири шундай севадики, фироқ ўтида шу қадар ёнадики, Мажнунга айланади. Қанчалик кучли эҳтирос, юрак-юрагидан севиш керакки, бундай ҳолга тушса... Иккинчиси ёрини ардоқлайди, умрбоқий муҳаббатини намойиш этади-да, унинг номи билан тоғу тошлар узра йўл очади, оби ҳаётдан оламни баҳраманд этади. Эзгу ниятлар, юксак ҳис-туйғулар билан яшайди улар...

Бундай асарлар, қаҳрамонлар ҳозирги кун учун қай даражада хизмат қилиши мумкин, деб савол бераман-у жавобга ҳозирланаман — «юксак даражада». Гап бундай қаҳрамонларни айнан ўзгартирмай саҳнага ёки катта ва кичик экранга олиб чиқиш ҳақида кетаётгани йўқ. Гап қаҳрамонлар танланиши ва поэтик мисраларда катта бадиий куч билан ифода этилиши ҳақида кетаяпти: образлар шунчалик мукаммал ишлансин, кучли характерлар тўқнашувига шунчалик эътибор берилсин...

Табиийки, «Кинода қаҳрамон масаласи қандай ҳал этилмоқда?» саволини ўзимизга берсак, жавобини аввало, ҳужжатли тасмалардан излаймиз. Миллий кинематография тараққиёт босқичининг янги палласи бошланган экан, бундай қизғин дамда хроника, кинопублицистиканинг хизмати айниқса катта бўлишини жаҳон тажрибаси эслатиб туради.

Кинонинг бу соҳасига мурожаат этишимизнинг сабаби нимада?

Сабаби шундаки, камера, микрафон, электрон монтаж ускуналари, сезгир кино ва видеотасмалар, сеҳрли ёғду билан қуролланган киножурналист, кино-телепублицист ҳозирги кун қаҳрамонини излаб, топиб, ўрганиб, кузатиб бориб, қисқа фурсатда у ҳақда ҳаётий асар яратиши мумкин. Бу кино ёки телетасма ихчам, лекин ҳаётий, сермазмун, айни вақтда, у бадиий умумлашмалардан йироқ бўлиши, шу билан бирга у жамоатчилик эътиборини айрим шахсларнинг кундалик ҳаёти воқеаларга бой эканлигига қаратиши, эстетик завқ бериш билан бирга бугунги қаҳрамонни ортиқча жимжимасиз экранда кўрсатишга катта эҳтиёж борлигига жалб этиши мумкин.

Шундай фикрлар билан ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар студиясига бориб, икки кун давомида ўтган йили яратилган асарларни кўрдик. Экрандаги тасвир гоҳ бизни кулдирди, гоҳ ўйлантириб қўйди, гоҳ эса кўзларимизда ёш халқаланди. Бирорта асар бизни бефарқ қолдирмади. Зеро, уларнинг ҳар бирида ҳозирги кун учун долзарб бўлган масалаларни илгари суришга интилиш борлигини кўрдик.

Бир ногирон қиз рақс тушишни орзу қилар экан. Жажжи оёқлари тузалиб кетишини орзу қилар экан... Орзуси эрта-индин, ундан кечроқ эмас, бугун, шу дақиқада қисман бўлсада, ушалиши учун қизалоқнинг каттароқ ёшдаги дўстлари кўмаклашибди. Уни саҳнага олиб чиқишибди. Ширин қўллари, ёқимли табассуми, танасининг ҳаракати билан янграб турган мусиқа маромида рақс тушибди. Бахтиёр бўлибди... «Қоғоз уйча» деб аталмиш лирик киноочеркнинг биргина эпизоди бу. Розиқа Мерганбоева (муаллиф) ва Шуҳрат Маҳмудов (режиссёр) «Оқтош»даги сўлим боғларда ногирон болалар соғлом тенгдошлари билан дам олишларини тасвирга туширишга ҳаракат қилишган. Бироз маъюс кайфият уйғотадиган, лекин таъсирчан кадрларга бой, чуқур фикр юритишга ундайдиган асар.

Бу асарда қаҳрамон ким, деб савол берсалар, дарҳол жавоб берардим: «қаҳрамон» мазкур филмда тасвирланган соғлом муҳит, кишиларда меҳр-муҳаббат, инсонийлик ҳис-туйғуларини уйғотадиган муҳит. Ота-боболаримиздан қолган бу одат, бу мурувват, бу муҳит... Шу каби юксак ҳис-туйғулар уйғотади бу асар.

«Композитор Мирсодиқ Тожиев» видеофилмида ҳам баъзан маъюс оҳанг устун туради. Сабаби, симфоник асарлар яратган, катта ижодий асоратга қодир бўлган бу замондошимиз ҳаётдан бевақт кўз юмган. Қанчадан-қанча оҳанглар, қўшиқлар, опера ва балетлар ёзилмай қолди, қанчадан-қанча тингловчи ўша асарлардан бебаҳра қолди. Муаллиф Р.Юнусов ва режиссёр А.Фатхуллин композиторларнинг ҳикоялари, мусиқа садолари ила кечагина мусиқа драматургияси, имкониятлари, ўзига хос таъсир кучи ҳақида ўйлаб, пианиноси клавишларини сеҳрли бармоқлари билан босиб симфоник куй тараташ учун ҳозирлик кўраётган дўстимиз, замондошимиз сиймосини бунёд этмоқчи бўлганлар. Афсуски, бу интилишларида улар М.Тожиев мусиқасининг экрандаги ифодасини топишга ожизлик қилганлар. Шу боис, асосий «юк» сўзловчига, баъзан оркестрга, баъзан композитор қадам ранжида этган жойларнинг тасвирига тушган. Мусиқани экранда «кўрсатиш» ҳақида ўйланмаган кўринади. Ваҳоланки, «кўринадиган мусиқа» тушунчаси мавжудлиги, муайян мусиқага элимизда муайян ранглар танланиб келингани азалдан маълум. Энг муҳими, композитор ўз симфонияларини юртимиздаги улкан воқеалардан, тўйҳашамлардан, маъракаларидан, сокин кўл ва важоҳат билан тоғлардан келган сел кабилардан таъсирланиб ёзганини биламиз. Бу ҳақда композитор ўз концертларида ҳам айтган эди...

Табиийки, филмларнинг эстетик савияси бир хил эмас. Уларнинг муаллифлари мавзу, қаҳрамон танлашида ҳозирги талаблардан келиб чиққанлари кўриниб турибди: «Огаҳий» ва «Эркин Воҳидов», «Истиқлол фидойилари» ҳамда «Фиқҳ олами султони»... Лекин «Ўзбекистон қаҳрамонлари» туркумидан Э.Воҳидовга бағишланган филмда шоирнинг кечаги кун билан боғлиқ ўйлари ҳаяжонлантирса, Хоразмнинг буюк ўғлони Огаҳийга бағишланган асарга кинематографик маданият етишмайди. Серқирра истеъдод соҳибининг экрандаги сиймоси ҳам тўлақонли бўлиши учун бу шоир, тарихчининг асарлари ҳам хизмат қилиши мумкин эди. Шунчалик «кинобоп» тасвирга тушадиган мерос қолдирган бизга тарихчи ва шоир Огаҳий. ...«Истиқлол фидойилари»да яқин ўтмиш воқеалари кинокамера кўмагида ўрганилгани ва жадидчилик ҳаракати намояндалари сиймолари нодир ҳужжатда, қизиқарли ҳикояда, тасвирда намоён бўла боришини кўрамиз. «Фиқҳ оламининг султони» деб аталган жиддий асарда эса буюк Бурҳониддин Марғинонийнинг портрети, айниқса, чуқур фалсафасини ифода этиш учун тасвир, 911 йил муқаддам содир бўлган воқеаларнинг, намоён бўлган сиймоларнинг бирор қиррасини таърифлашга ёрдам берадиган манзара, ҳаётий кўринишлар етишмаслиги аввалдан маълум эди...

Нима бўлганда ҳам, кинопублицистлар мавзу, қаҳрамон танлашда ўзбек элининг жонкуяр фуқароси эканликларини намойиш этмоқдалар. Шу билан бирга, кинонинг бу соҳасида ҳал этилмаган талайгина масалалар ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Улардан бири сценарий ёзиш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси режиссуранинг бисоти, уни бойиб бориши билан боғлиқ.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

ҲИКМАТЛАР

Тўрт нарса кишининг юрагига куч бағишлайди: илмли устоз, яхши дўст, муносиб умр йўлдоши ва давлату иқболга етказувчи ақл.

* * *

Оғир тош кўтардим, темир кўтардим, аммо ёмон қўшнидан оғирроқ нарса кўрмадим.

* * *

Адабнинг кўркамлиги насабнинг ярамас томонларини беркитади. Фазилат аслзодалик ва насл билан эмас, балки илму одоб билан ҳосил бўлади.

* * *

Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож: улуғлик — одоб-тарбияга, хурсандчилик — хотиржамликка, яқинлик — дўстликка, ақл — тажрибага.

Тож талабгорлари

РЕТИ

Ретининг таъкидлашича, ёшлигида у икки нарсага — математика билан шахматга қизиққан экан. Кейинчалик ушбу қизиқишнинг бири учун бор таланти, юрак қўрини берди. Р. Рети (1889 йил 18 майда Бротиславага яқин жойдаги Печинок шаҳарчасида туғилди) шахмат тарихида алоҳида ўрин эгаллайди У замонасининг энг кучли шахматчиларидан бири, машҳур назариётчи, этюдчи, журналист эди. Рети яратган барча нарсаларда нафақат алоҳида хусусиятлар, балки нафис жилвалар, кишиларни ўзига хос идрок қилиш ҳам акс этиб турарди.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

19 ёшли Рети Венадаги халқаро турнирга биринчи бор таклиф этилди. Дастлабки тажриба унчалик муваффақиятли бўлмади: ёш шахматчи турнир жадвалининг охирида қолди. Лекин у шу йилнинг ўзидаёқ Требич турнирида 1-ўринни эгаллаб, ишонарли суратда реванш олди.

Шундан сўнг Рети 20 йиллик шахмат фаолиятида яна 50га яқин мусобақаларда ўйнайди. Унинг номи кўп марта совриндорлар рўйхатидан ўрин эгаллайди, лекин ҳар қалай чехиялик гроссмейстернинг амалий муваффақиятлари унинг улкан ҳамда ёрқин истеъдодига тўла ҳолда мос келмайди.

Рети йирик Халқаро турнирларда шундай ўйнаган эди: Аббация — 3-4 (1912), Мангейм — 4-6 (1914), Стокгольм — 3 (1919), Гётеборг — 1 (1920), Пиштани — 5 (1922), Карлсбад — 4-5 (1923), Моревска-Острава — 2 (1923), Вена — 2 (1923), Нью-Йорк — 5 (1924), Марнанске-Лазие — 5-6 (1925), Москва — 7-8 (1925), Земмеринг — 8 - ўрин (1926)ни эгаллаган.

1928 йил у Вена, Тиссен, Стокгольм, Брнодаги бир қанча кичикроқ халқаро турнирларда биринчи ўринларни олади. Бироқ Киссингенда маррага атиги олтинчи бўлиб етиб келади. Хўш, бундай номувофиқликнинг сабаби нимада экан?

«Рети, — деб ёзган эди С.Тартаковер, — рақибларига қарши курашишдан кўра, ўз-ўзи билан, ўзининг идеалларию шубҳалари билан кўпроқ курашадиган ёрқин санъаткорлар хилидан».

Ретининг ҳаёти бетиним изланишдир. Ҳатто шахмат тахтаси ёнида ҳам ўз ғоялари, ўзининг концепциясини синаб кўриш унинг учун энг муҳим нарса эди. Унинг номи шахматда «Гипермодернизм» деб ном олган оқим билан боғлиқдир. Рети бу оқимнинг асосчиси бўлмаган. Бу рол Нимцовичга тегишли эди, бироқ айни Рети туфайли янги оқим изчил ҳамда мукаммал асосга эга бўлди. У ўз нуқтаи назарини «Шахматдаги янги ғоялар» номли қўлланмасида баён қилиб берди. Шахмат санъатининг кейинги тараққиётида бундай рол ўйнаш камдан-кам асарларга насиб этган. Янги ғояларнинг эҳтиросли тарафдори сифатида уларнинг моҳиятига баҳо беришда Рети баъзан қуюшқондан ҳам чиқиб кетгудай бўларди. Лекин бу нарса қатъий ҳукм чиқаришдан кўра кўпроқ ўзининг ҳақлигига ишонишидан келиб чиқарди. «Рети дебюти» чехиялик шахматчи асл фалсафасининг амалий тимсоли бўлди.

Биз Рети ғоялари нималардан иборатлиги хусусида тўхталиб ўтирмаймиз, бу — назариётчилар соҳаси. Фақат айтмоқчимизки, бу ғоялар шахматда янги имкониятлар очди, янги дебют схемаларининг пайдо бўлишига кўмаклашди, позициявий ўйинда комбинациявий элементлар ролини кучайтирди.

Рети шахмат этюдлари тузишни севарди. Бу соҳада ҳам у катта муваффақиятларга эришди. Унинг кўплаб композициялари ҳар томонлама мукаммалдир.

Бу гроссмейстернинг яна бир ажойиб хусусиятини эслатиб ўтиш даркор: у тахтага қарамай зўр ўйнарди. Хусусан, ғойибона 29 тахтада бир йўла ўйин сеанси ўтказиб, ўз даврида рекорд қўйган ҳам эди.

Рети 1929 йил 6 июнда Прагада вафот этди.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР





Иккала тасвирда ҳам 2 юришда мот.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Хоразм вилоятида ўзининг ваҳшийлиги билан воҳа аҳолисини қаттиқ ларзага солган қонли жиноят фош этилди

Воқеа қуйидагича содир бўлган эди. Биринчи март куни эрталаб Хазорасп тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги 1-бўлимидаги хонадондан шу ерда истиқомат қилувчи Карим Абдуллаев, унинг хотини Саодат Тиллаева, уларнинг фарзандлари - Фозилбек Абдуллаев, Наргиза Абдуллаева, Тожибой Каримов ва набиралари Отабек Бобожоновнинг қуйиб кетган мурдалари топилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тезкорлик билан ишга киришди. Вилоят ички ишлар бошқармасидан хабар беришларича, бир ҳафтадан ошиқ вақт мобайнида ўнлаб тезкор-қидирув чоралари амалга оширилди. Шу жараёнда ноқонуний наркотиклар савдосига алоқадор 60 нафардан ошиқ киши қўлга олинди, бир қанча бошқа жиноятлар фош этилди. 9 март куни тезкор чора-тадбирлар натижасида қотиллар аниқланиб, қўлга олинди. Ҳозирча тергов манфаатларини кўзлаб уларнинг номлари ва содир этилган мудҳиш жиноятнинг айрим тафсилотлари кейинчалик маълум қилинади.

Бироқ ашёвий далиллар ва рад этиб бўлмайдиган бошқа белгилар ҳозирнинг ўзидаёқ қотилларнинг даҳшатли жиноятдаги иштирокини тўлиқ фош этади, дейиш мумкин. Бутун вилоят аҳолисини жунбушга келтирган қонли фожиа Хазорасп туманидаги уч нафар гиёҳванд томонидан содир этилган. Улар ўз эҳтиёжларини қондириш учун маблағ топишга интилиб, Абдуллаевлар хонадонига босқинчилик уюштиришни режалаштирган.

Жиноятчилар тунда ниқоб кийган, пистолет, пичоқ ва учи ўткирланган арматура билан қуролланган ҳолда уйга бостириб кирган. Тергов жараёнида босқинчилик тафсилотлари янада аниқлаштирилади. Бироқ экспертларнинг фикрича, уй эгаси ва унинг хотини кўп марта пичоқ санчиш натижасида ҳалок бўлган. Уларнинг фарзандлари ва набирасига ҳам турли буюмлар билан жароҳатлар етказилган. Улардан учтаси қотиллар жиноят изини йўқотиш учун уйга ўт қўйиб кетганидан сўнг тутундан бўғилиб жон берган.

Жиноятни фош этишда ва қотилларни аниқлашда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига Ички ишлар вазирлигининг жиноят қидирув бошқармаси, Республика прокуратураси бўлинмалари раҳбарияти ва мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатди.

Тимур ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6